

ҲАДИС БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР РИОЯ ЭТИШИ ЗАРУР БЎЛГАН
МУҲИМ ОДОБ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚИ

SCIENTIFIC AND PRACTICAL STUDY OF IMPORTANT ETIQUETTE THAT
HADITH SCHOLARS MUST ADHERE TO

Ҳ.Юсупов

Имом Бухорий номидаги

Тошкент ислом институти

“Ҳадис ва ислом тарихи фанлари” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: ҳадис илми билан шуғулланувчилар амал қилиши зарур бўлган саловат айтиш, дуо қилишга доир одобнинг тартиб-қоидалари тадқиқ қилинган.

Annotation: The rules of etiquette concerning the recitation of salawat and making dua, which are essential for those engaged in the study of hadith, have been examined.

Ҳадис ҳақида гаплашарканмиз, айти шунга алоқадор бўлган муҳим бир одобга аҳамият қаратиб ўтишни зарур деб ўйлайман. Бу – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг зикри келганда, У зот соллаллоҳу алайҳи васалламга саловат айтишдир. Саҳобаларнинг исмларига дуч келганимизда эса уларга «ترضي» яъни эркак кишиларига «розияллоҳу анҳу» ва саҳобийя аёлнинг номи кетидан «розияллоҳу анҳо» дейиш, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Аббос каби отаси ва ўзи ҳам саҳобий бўлган зотлар ҳақида «розияллоҳу анҳумо» иборасини қўллаш ҳам шу жумладандир.[1]

Саловат йўллаш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан одоб эканини эслаб ўтдик. Шу ўринда ўқувчида ўринли бир савол туғилиши мумкин: «Агар бу муборак номдан кейин ёзувда саловат бўлмаса, у ҳолда қандай йўл тутамиз?». Жавоб ўлароқ хатда бўлмаса ҳам саловат айтиш зарурлигини таъкидлаб ўтишимиз ўринли бўлади. ... Зеро, иш шу билан камол топади![2]

Бу борада бир нозик жихат ҳам бор, келинг айти ўрнида шу маслага ҳам ойдинлик киритиб кетайлик: «Алайҳиссалом ёки саловат билан кифояланиш нечоғлик тўғри ва ўринли?». ... Саловатни мана шу қисқартма йўсинда ифодалаш ҳам кўпчилик орасида учраб туради. ... Энг камида «алайҳиссалату вассалам» дея саловат ва саломнинг орасини жамлаш энг тўғри йўл эканини хулоса қилишимиз мумкин.[3] Саловат айтиш инсонга чарчоқ ҳам келтирмайди, балки саловат айтган кишининг Аллоҳ ҳузурида даражаси кўтарилишига сабаб бўлади. ... Демак бу ишингиз орқали сиз маҳбуб бўлиб бораверасиз, манфаат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга эмас, аксинча сиз ва бизгадир.[4] Саловатнинг фазли ҳақидаги бизгача етиб келган энг гўзал китоб Ҳофиз Шамсиддин ибн Муҳаммад ибн Абдурроҳман

Саховийнинг «الشفيع الحبيب على الصلاة في البديع القول» асаридир. ... Бу китоб муаллифи Саховий ҳадис синоатининг энг моҳир, пухта кишиларидан ва охирги хотималаридан ҳисобланади.[5]

Хулоса ўрнида айтишим керакки, бу соҳага алоқадор бўлмаган оддий мусулмон одам саловатни қисқартириши мумкин, лекин илм талабидаги киши айниқса, ҳадис илмларини ўрганиш пайида бўлган талабага бу йўлни тутиш ярамайди ҳам ярашмайди ҳам.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Имом Ғаззолий. «ихё улум ад-дин». – Байрут: дор ал-фикр, 1996. – С. 345-347.
2. Абдулфаттоҳ Абу Ғудда. Ар-росул ал-муъаллим ва асалийбуҳу фит таълим. – Ҳалаб: ал-матбуъат ал-исламийя, 1996. – С. 11-15.
3. Имом Ғаззолий. «ихё улум ад-дин». – Байрут: дор ал-фикр, 1996. – С. 349-350.
4. Ҳофиз Саховий. «الشفيع الحبيب على الصلاة في البديع القول», Қоҳира: 1912. – С. 20-22.
5. Ҳофиз Саховий. «الشفيع الحبيب على الصلاة في البديع القول», Қоҳира: 1912. – С. 30-45.